

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ЖЕНЕРАЛ МОТОРС ЎЗБЕКИСТОН» АЖ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРГА НАРХЛАР ШАКЛЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖнинг ички ва ташқи бозорларда сотилаётган маҳсулотларига нархлар шаклланиш механизмининг янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Ўзавтосаноат» АҚнинг 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб «Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖнинг барча автомобиль моделларини ички бозорда миллий валюта – сўмга сотишга ўтиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. «Ўзавтосаноат» АҚ:

2017 йилнинг 1 июнигача тузилган шартномалар бўйича енгил автомобиллар етказиб бериш ва тўловларни қабул қилиш, шартномаларда назарда тутилган қатъий шартлар ва белгиланган муддатларда тўловларни халқаро пластик карточкалари орқали амалга ошириши;

ташқи бозорларни ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини янада диверсификациялаш, ташқи бозорлардаги ўрнинини мустақамлаш ҳисобига экспорт ҳажминини кўпайтириши;

янги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ошириши;

бўтловчи қисм ва узеллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, автомобилсозликни ривожлантириш учун зарур бўлган асосий хом ашё ва материалларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш ҳисобига импортнинг улушини камайтириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтиришни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир hafta муддатда мазкур қарорни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 май

Қонун ҳимоясида

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.



ИЖТМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Вилоят адлия бошқармасида «Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бораида давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик самарадорлиги» мавзуда бўлиб ўтган давра суҳбатида шулар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Вилоят адлия бошқармаси, прокуратураси, Фуқаролик жамияти шакл-

ланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси ҳамда виллоятимизда фаолият юритаётган нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда коррупцияга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётгани, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз самарасини бераётгани,

ижтимоий шериклик муносабатлари механизмининг ҳаётга таъбиқ этиш мўҳим вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланди. Давра суҳбатида давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий шерикчилик муаммолари муҳокама қилинди. Иштирокчилар бу борада ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Ўз мухбиримиз.

Бугун хусусий тадбиркорларимизда таннархи арзон, сифатли тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга интилиш ва рағбат кучли. Айниқса, бу соҳада хотин-қизларнинг ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, мунтазам қўллаб-қувватланмоқда.

Интилиш

Зангиоталик Муқаддас Турсунова «Ёркин ривож барака» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этганига етти йил бўлди. Пенсияда бўлишига қарамай, тумандаги Қизғалдоқ қишлоғида катталар ва болалар учун трикотаж кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги тикувчилик цехини очди.

Бундан ташқари, корхонада миқозларнинг талаб ва истакларига қараб, махсус униформа ҳам тайёрланади. Корхона йилига 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга.

Айни пайтда, 12 киши ишлаётган тикувчилик цехида тумандаги туртта касб-хунар коллежининг 20 нафар ўқувчиси амалиёт ўтамоқда.

– Яқиндагина иш бошлаганимга қарамадан малакали тикувчилардан касб сирларини ўрганиб, қийинчиликларни енгиб ўтаётман, – дейди Олтинтепа қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси Раъно Тиллаҳова. – Тикаётган маҳсулотимизни кийиб юрганларни кўриб, жуда қувонаман.



Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозор учун мўлжалланган бўлиб, шу йилнинг февраль ойида жамият туман «Тадбиркор аёл» уюшмасининг ёрдами билан 300 миллион сўмлик грант сертификатини қўлга киритди. Тадбиркор ушбу сармояни

корхона фаолиятини ривожлантиришга сарфлашни мақсад қилган.

– Ҳозирги кунда корхонамиз иш фаолиятини кенгайтириш учун Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қаровсиз ерда қўшимча ишлаб чиқариш қорғонасини қуришни режалашти-

дик, – дейди Муқаддас Турсунова. – Натижада, яна 40-50 киши учун янги иш ўрни очилади. Бундан ташқари, маҳсулотларимиз сифати ва рақобатбардорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида замонавий тикув машиналарини харид қилдик.

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар мавсумбоплиги, қўлай ва сифатлилиги, энг асосийси, арзонлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ЭЙ, УЛУҒ НАСЛИМНИНГ ЮРАГИ, ЖОНИ...

Байрамлари бисёр мамлакатимизда ёзининг илк кунинда яна бир шодиёна кексаю ёшни ҳушнуд этади. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Ватанимизнинг барча истироҳат боғлари, яшил-ганлар кўп. Боиси, кўз тегмасин, юртимиздагидек тинч, осуда ҳаёт, фаровон турмуш дунёнинг кўпгина мамлакатлари халқлари учун ширин орзу...

Энг мўҳими, фарзандининг эртаси учун қайғурадиган, унинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида барча шароитлар мўҳайе этилган юртимизда болажонлар тақдирини,

ликка бурканган дам олиш масканлари кичкинтойларнинг шодон кулгуларига тўлади. Уларнинг қувноқ чехраларига боқиб, юзларидан нур ёғилаётган бахтиёр ота-оналар, бобою бувижонларни айтинг...

Эртанги кундан кўнгил хотиржам. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» қисмида таъкидланганидек, давлат соғлом бола туғилиши таъминлаш учун онага унинг соғлигини сақлаш шароитини яратди. Боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи давлат томонидан таъминланади. Малакали табиий бурчимиз кўрсатиш, боланинг, унинг ота-она-

сининг саломатлигини назорат қилиш ҳамда болалар касалликлари профилактикаси ва бошқа қатор манфаатлари кафолатланади.

Шу билан бир қаторда келажақ авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси ҳам алоҳида эътибор берилмаётгани, жисмоний камолоти йўлида зарур барча шароитлар яратилгани ва шундай ғамхўрликларнинг қадрига етadиган оқил, доно, зукко ёшларни тарбиялаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз эканини таъкидлаш ўринли.

Давоми 2-бетда. ➡

«БАРКАМОЛ АВЛОД» БЎЛАЖАК СПОРТ ЮЛДУЗЛАРИНИ КАШФ ЭТДИ

Жиззах шаҳри мезбонлик қилган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2017» республика спорт мусобақаларида Тошкент вилояти жамоасининг 47 нафар спортчиси иштирок этиб, 8 та олтин, 193 та кумуш, 9 та бронза, жами 22 та медалга сазовор бўлди.

Таассурот

Спортнинг 17 тури бўйича ташкил этилган беллашувларда ўрта махсус, касб-хунар таълими

муассасаларининг энг сара 898 нафар ўқувчиси 193 та олтин, 193 та кумуш ва 214 та бронза ме-



далъ учун баҳслашди. Юртимиздаги 1500 дан зиёд лицей ва коллежлар вакиллари иштирок этган

бу галги мусобақалар ҳам юксак савияда, ҳалоллик, мардлик ва адолат руҳида, жўшқин ва кескин курашларга бой тарзда ўтди. Мусобақаларда спортчи ёшлар куч-қудрати, жисмоний салоҳияти билан бирга юксак маънавиятини ҳам намоён этди.

Давоми 4-бетда. ➡

Давоми 2-бетда. ➡

ҲАВЗАДАГИ ҲАЗИНА

да. Жумладан, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш бўйича иш олиб борилади, табиий ва сунъий ҳавзалар барпо этилади. Ҳовузларнинг мелiorатив ҳолати тўдан яхшиланди. Натижада, балиқ етиштириш сезиларли даражада кўпайди. 2016 йили 14 минг 829 тонна балиқ етиштирилгани фикримизни тасдиқлайди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, туманларимизда янги балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш, балиқ зотларини яхшилаш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда балиқчилик-

ка ихтисослашган хўжаликлар сони икки юз тўқсондан ошган. Улар тасарруфидеги 4 минг 900 гектарга яқин ҳавзага йил бошида оқ амур, қарп, сазан, дўнгпешона ва бошқа турдаги балиқ чавоклари ташланди. Улар яхши ривожланмоқда. Жорий мавсумда ўн беш минг тоннадан ортиқ балиқ етиштириш режалаштирилган.

Вилоятда четдан насли балиқларни олиб келиш ва уларни иқлимлаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилаётир. Бунинг натижасида, улардан насл берувчи тўдалар яратилиб, личинкалар олинди ва

фермер хўжаликларида етказиб берилди.

Янгийўлдаги балиқчиликни ривожлантириш илмий тажриба станциясида насли балиқ турларини кўпайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур станция қошидаги ҳўжаликда 50 миллион дўна қарп ва ўсимликхўр балиқ личинкасини олиш қувватига эга инкубация цехи мавжуд. Цехдаги балиқ сақланадиган тўртта ҳавза шиша ва пластик қопламалар билан жиҳозланди. Осётр ва лаққа балиқларнинг личинкаларини интенсив усулда ўстириш йўлга қўйилди.

Давоми 2-бетда. ➡

Мулоқотдан сўнг...

Сарлавҳада ишора қилинаётган танбехона ибора ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бир гапни айтишдан аввал унинг кетидан келаётган оқибатни ҳам олдиндан ўйлаб кўриш керак. Акс ҳолда, мулазам бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

ЎЙНАБ ЁЗСАҢ ҲАМ...

Республика Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига тушаётган айрим мурожаатларнинг, мазмун-моҳиятини тушуниб, шундай фикрга бора-сан, киши. Уларда кўта-рилган айрим масалалар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, нари борса, маҳаллий ҳокимликларда жўнгина бартараф этиладиган камчилик ва нуқсонлардир. Қарийб беш ойдан буён мурожаатлар юзасидан жойларда ўтказилаётган сайёр мулоқотлар жараёнида бундай ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Хусусан, Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган сайёр қабул давомида ҳам шундай ҳол кузатилди. 3-кичик тумандаги 55-йўда яшовчи Аноргул Еримбетова электрдан қарзи бўлма-са-да, корхона ходимлари хонадонини тармоқдан узиб кетишганидан шикоят қилди. Туроб Тўла кўчасида яшовчи Ёркин Пўлатовнинг ҳисоб рақамидеги пулларни банк ходимлари ноқонуний олиб қўйишиди. Гулфарида Ғафурованинг ҳисоблагичини газ таъминоти корхонасининг собиқ ходими олиб кетиб, қайтариб бермабди. Бунинг устига фойдаланган 800 минг сўм пулни тўлов сифатида кирим қилмабди...

Мазкур муаммоларни Виртуал ва Халқ қабулхоналарига қўтариб чиқмай, шаҳарнинг мутасадди ташкилотларида ҳал қилиш лозим эди. Шундай бўлса-да, сайёр қабул чоғида мурожаат муаллифларига суд органлари ва фуқаролик судларига шикоят қилиш лозимлиги тушунтирилди.

ЭЙ, УЛУҒ НАСЛИМНИНГ ЮРАГИ, ЖОНИ...

Бу борада "Соғлом она – соғлом бола" тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларининг тиббиёт, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида болажонларнинг жисмонан соғлом, ҳар томонлама билимдон бўлишлари учун барча зарур шароитлар яратилаётгани, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган шифо масканлари кечая кундуз болажонлар хизматида экани эътиборлидир.

Вилоят ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 майдаги йиғилиш баёни асосида "1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш

Болаларнинг 1-бетда.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

куни" муносабати билан "Ҳар бир болага меҳр ва эътибор!" шиори остида махсус ҳафталик ташкил этиш тўғрисидаги қарори ижроси доирасида қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Ҳар бир шаҳар ва тумандаги меҳрибонлик уйлари, эътиборга муҳтож оила-

лар болалари учун шу ҳудудларда хайрия тадбирлари ташкил этилмоқда. Тошкент шаҳридаги "Локомотив", "Тошкент Ленд" истирохат боғларида болажонлар учун байрам дастури намойиш этилди. Шунингдек, ҳафталик режаси асосида ҳудудлар-

даги меҳрибонлик уйларида футбол мусобақалари, "Бахтли болалик" мавзусида расмлар кўрик-танлови ўтказилиб, байрам дастурхони ёзилди. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари 26 май куни Тошкент маданият ва санъат музейини томоша қилишди, хонанда-лар иштирокидаги концерт дастури ва давра суҳбатидан иштирок этишди. "Олтин диёр" кафеда тўқин дастурхон тузалди.

Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун тумандаги Фахрийлар боғига саёҳат, Корейс маданият марказининг байрам дастури намойиш этилди.

1 июнь куни ижтимоий ҳимояга муҳтож бо-

лалар учун Чирчиқ шаҳрида ҳам катта байрам дастури намойиш этилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, болалар спортини янада ривожлантириш, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, иқтидорли болаларни рағбатлантириш, эътиборга муҳтож оилалар фарзандларига ғамхўрлик қилиш борасидаги кўрсатмалари асосида амалга оширилаётган бу каби кенг қўлмалли ишлар келажагимиз вориси бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Шуниси ажабланарлики, баъзи фуқароларнинг қабулхоналарга мурожаат қилишдан мақсадлари нима эканини тушуниш қийин. Гап шундаки, улар Виртуал қабулхонага "Қани, нима бўларкин" қабилида, яъни шунчаки, ўйламай мурожаат қилишганга ўхшайди. Масалан, фуқаро Нилуфар Эрахмедова Виртуал қабулхонага мурожаатида собиқ турмуш ўртоғи 10 йилдан буён алимент пулларини тўламай келаятгани, суд ижрочилари ҳам ҳеч қандай чора кўришмаётганидан шикоят қилиб, ёрдам сўраган эди. Ўзи эса сайёр қабулга келмади. Бўзсув кўчаси, 24-уйда яшовчи Тамара Тадаева оқова сув қувури ёрилиб, уйини сув босаётгани, масъул ташкилот раҳбарлари бунга эътибор беришмаётганини маълум қилиб, амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди-ю, аммо сайёр қабулда катнашмади. 3-даҳа 60-уйда яшовчи Нигора Раҳмонқуллова ички кўчалар ўйди-чуқур бўлиб, таъмирталаб ҳолга келгани, болалар ўйнайдиган майдончанинг умуман йўқлиги, аҳолининг кўпдан бери ҳокимликка қилаётган

мурожаати ҳамон эътиборсиз қолдирилаётганидан норози бўлиб, амалий ёрдам сўради-ю, аммо ўзи сайёр қабулда кўринмади.

Бундай мисолларни давом эттирармиш мумкин. Зеро, сайёр қабул жараёнида кўриб чиқиш режалаштирилган жами 69 та мурожаатнинг 24 таси, яъни

ЎЙНАБ ЁЗАНГ ҲАМ...

қарийб 40 фоизининг муаллифи қабулда иштирок этмади. Табиийки, шунча камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, жиддий муаммоларни ҳал қилиш яна номуамал муद्датларга кечиктириладиган бўлди.

Аммо, ҳеч бир сайёр қабул бесамар кетмаслиги барчага аён бўлиб улгурди. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги қабул жараёнида кўплаб муаммолар жойида ҳал этилди. Хусусан, Садриддин Айний кўчаси, 28-уйда яшовчи Музаффар Мирносировнинг 3 миллион сўм пули хатолик туфайли давлат солиқ инспекцияси идорасига ўтиб қолиб, уни қайтариб ололмай ҳалак эди. Унинг мурожаатидан сўнг Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда жиноят ишлари

бўйича вилоят суди аравашган, масала жойида ҳал бўлди.

П. Юсупов кўчаси, 12-уйда яшовчи Любовь Тамбовцеванинг "Халқ банки" ходимлари маҳалла фуқаролар йиғини идорасида пенсия пулларини тарқатишган пайтда ноқулайлик ва тартибсизликлар туфайли келиб чиқаётган асаб-

бузарликлар хусусидаги мурожаат а т и "Марказий банк" нинг

вилоят бошқарма ва пенсия жамғармаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, камчилик ва нуқсонлар бартараф этилди.

Чирчиқдаги автосалондан "Дамас" русумли автомашина харид қиламан, деб кўп муаммоларга дуч келдим, – дейди Ғазалкент шаҳарчаси, Мустақиллик кўчасидаги 54-уйда яшовчи Лазиз Кўчкинов. – Анча оворасгарчиликдан сўнг Чирчиқ шаҳар Халқ қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Ниҳоят, автосалон билан шартнома туздим.

Мухтасар айтганда, шу кунги сайёр қабулдан кўпчилик кўнгли тўлиб қайтди.

Абдусамод ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

МАҚСАД
«СИНДИРИШ»
ЭМАС, УНДИРИШ...

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган берилган устувор вазифалар ижросига бағишланган семинар ташкил этилди.

□ Солиқ идораларида

Унда корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда вилоятда фаолият кўрсатаятган 18 дан ортиқ назорат қилувчи органлар вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, соҳани ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий ва изчил давом бўлди.

Қайд этиш лозимки, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар ноқонуний текширишларнинг олдини олиш, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асосийсиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилган билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташқари, мазкур Фармонда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида дав-

лат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга бир қатор вазифалар юклатилган.

Семинар давомида иштирокчиларга Президентимизнинг юқоридаги Фармони қондалари асосида рўйбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича тасдиқланган 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи дастур тўғрисида маълумот берилди. Шунингдек, Фармоннинг мазмун-моҳияти ва механизмининг ўзида муҳассамлаштирилган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган тегишли низомлар ҳақида ҳам тушунчалар берилиб, бу бўйича тайёрланган слайдлар намойиш этилди.

Тадбирда иштирокчи ва назорат қилувчи органлар вакиллари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрафлича жавоб олдилар.

Лобар АЗАМАНОВА,
вилоят Давлат солиқ
бошқармаси Ахборот
хизмати бош
мутахассиси.

2017 йил иккинчи ярми учун
«Тошкент ҳақиқати» ва
«Ташкентская правда»
газеталарига обуна
давом этмоқда!

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғуларини юксалтириш йўлида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, айниқса, фаол иш олиб бормоқда.

Тошкент Давлат аграр университетида вилоят ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳара-

кати вилоят кенгаши ҳамда университет ҳамкорлигида "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"ни ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар ҳамда "Ҳаракатдаги ёшлар" форуми шундай тадбирлардан бири бўлди.

160 иштирокчини қамраб олган семинарда "Ҳаракатлар стратегиясининг илмий асослари", "Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари", "Қонун устуворлигини таъминлаш", "Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш" ва "Ижтимоий соҳани ривожлантириш механизмлари" каби мавзуларда маъ-

рузалар тингланди. Тадбирда республика тарғибот гуруҳи аъзолари – Гафур Фулом нашриёт директори Л. Тангриев, Тошкент Давлат юридик университети доценти Э. Қодиров, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Ш. Ризаев мавзуга оид илмий-назарий маърузалари билан қатнашди.

Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Бугунги тадбир бизга Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифалар нечоғлик узокни кўзлаб яратилганини янада кенгрок тушуниш имконини берди, – дейди Тошкент Давлат аграр университети талабаси А. Фуломов.

Тадбир сўнггида бу каби амалий семинарлар ҳамда "Ҳаракатдаги ёшлар" форуми вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилиши белгилан олindi.

Фарход ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАР БИР НИҲОЛГА
МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Боланинг бегонаси бўлмайди. Айниқса, болажон халқимиз учун болаларга қувонч ва шодлик улашиш эгуликларининг гултожидир.

□ Эзгулик

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам бу борада қўлмалли иш олиб бормоқда. Фонд томонидан тиббий кўриклар, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши болаларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишларига ёрдам бераётди.

Бу жараёнда фондининг вилоят филиали ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, филиал томонидан қандил диабетга чалинган бемор болалар учун хайрия акцияси ташкил этилди. 40 нафар бе-

мор бола учун 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Соғлом авлод – юрт келажаги" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Дунёда болалар қувончидан ортиқ бахт йўқ, – дейди фондининг вилоят филиали раҳбари Муҳаббат Йўлдошева. – Фарзандларининг бахту қамоллини кўришни истаган ота-она сингари Ватанимиз ҳам уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши учун барча шарт-шароитларни му-

ҳайё қилмоқда. Бу каби тадбирлар мамлакатимиздаги ҳар бир бола меҳр ва эътиборда эканини англатади.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, эндокринология диспансери мутахассислари ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят бўлими вакиллари иштирок этган тадбирда фонд томонидан бемор болаларга дори-дармон, санитария воситалари, ёзги оёқ кийимлар ҳамда таркибда фруктоза сақловчи ширинлик ва мевалардан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.


САВДО МАЖМУАСИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Янгийўл туманида "Нури чинор омад" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган "Соҳил" номли савдо мажмуаси ишга тушди.

□ Қулайлик

Хусусий тадбиркор А. Сайфуллаевнинг ташаббуси билан ташкил этилган озиқ-овқат дўконидан кишлоқ ҳўжалиги ва бошқа турдаги истеъмол маҳсулотлари савдога қўйилган. Айни пайтда дўконда саккиз киши иш билан таъминланди. Озиқ-овқат дўконидан харидорлар учун барча шароитлар муҳайё этилган ва аҳоли кўрсатилаётган хизматлардан мамнун бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз,
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.



ҲАРАКАТДАГИ ЁШЛАР

эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир

кати вилоят кенгаши ҳамда университет ҳамкорлигида "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"ни ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар ҳамда "Ҳаракатдаги ёшлар" форуми шундай тадбирлардан бири бўлди.

160 иштирокчини қамраб олган семинарда "Ҳаракатлар стратегиясининг илмий асослари", "Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари", "Қонун устуворлигини таъминлаш", "Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш" ва "Ижтимоий соҳани ривожлантириш механизмлари" каби мавзуларда маъ-

рузалар тингланди. Тадбирда республика тарғибот гуруҳи аъзолари – Гафур Фулом нашриёт директори Л. Тангриев, Тошкент Давлат юридик университети доценти Э. Қодиров, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Ш. Ризаев мавзуга оид илмий-назарий маърузалари билан қатнашди.

Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Бугунги тадбир бизга Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифалар нечоғлик узокни кўзлаб яратилганини янада кенгрок тушуниш имконини берди, – дейди Тошкент Давлат аграр университети талабаси А. Фуломов.

Тадбир сўнггида бу каби амалий семинарлар ҳамда "Ҳаракатдаги ёшлар" форуми вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилиши белгилан олindi.

Фарход ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАВЗАДАГИ
ХАЗИНА

– Жорий йилнинг апрель ойида ҳавзамизнинг ҳар гектарига ўртача 2 минг донадан балиқ чавоқлари ташладик, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Доно Бахтиёрова. – Улар ноябрь ойига 800 граммдан 1 кило икки юз граммгача тош босади. Бунга эришиш учун озиқлантириш, зараркунанда ва турли касалликларга қарши курашиш ишларини вақтида, сифатли бажариш талаб этилади.

Ҳар гектар ҳавзадан икки тонна атрофида балиқ овлаш режалаштирилаётган мазкур ҳўжалиқда етиштирилаётган лўқмаи ҳалолнинг бир қисми Чиноздаги балиқ бозорига сотилса, қолгани шартнома асосида таълим ва тиббиёт муассасалари, ҳарбий қисмларга етказиб берилади.

Вилоятимизда балиқчиликни ривожлантириш, балиқ етиштириш ҳажминини янада ошириш, уни қайта ишлашни йўлга қўйиш ва кенгайтириш, янги иш ўринлари очиб борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

рақами ва санаси
кўрсатган ҳолда ҳар би
мулк учун алоҳида тарти
да савдо ташкилотчиси
"REALTOR GARAN
BUSINESS" МҶЗни
ДИТБ "Ипак йўли" Мир
бод филиалидаги кўйид
ги ҳисоб рақамига тўла
лари шар
2020800060493605000
МФО 01101, И
207125885.

Аукцион қолиби соти
олган мулк қийматини
банк куни мобайнида тўл
лиғича тўлаши шарт. Ма
зил: Тошкент шаҳри, М
робод тумани, Бухоро кўч
си, 10-й. Телефон: (837
2 3 3 - 0 9 - 3 8
www.rgbusiness.uz
Лицензия: RR-0052

Спорт

Гонконгда дзюдо бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан уч нафари шохсупага кўтарилди.

МУХРИДДИН ПОЛВОННИНГ СОВРИНИ

Осиё дзюдо федерацияси шафелигида ташкил этилган мусобақада китамизнинг 30 га яқин давлатидан 240 нафардан зиёд дзюдо устаси ғолиблик учун куч синашди. Нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ўн олти нафар дзюдочи ҳимоя қилди.

60 килограмм вазн тоифасида беллашган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиси Мухриддин Тиловов бронза медал билан тақдирланди. Истеъдодли ёш спортчимиз дастлабки учрашувда афғонистонлик Алиқозай Зелгайни мағлубиятга учратган бўлсада, кейинги баҳсда эронлик Мухаммад Рашнонаходга имкониятни бой берди. Шунга қарамай, Мухриддин бронза медал учун курашни давом эттирди ва қолган учрашуларда Корея Халқ Демократик Республикаси вакили Жае Йонг Ан ҳамда тожикистонлик Суҳроб Боқиевни енгиб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Гонконгдаги китъа чемпионатида Шерали Жўраев ва Мухаммадкарим Хуррамов ҳам терма жамоамиз ҳисобида бронза медал кўшди.

Ўз мухбириimiz.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» БЎЛАЖАК СПОРТ ЮЛДУЗЛАРИНИ КАШФ ЭТДИ

Навқирон авлоднинг ёшлик ва нафосат байрами, маҳорат ва камолот кўриги бўлиб хизмат қилган спорт ўйинларида қайд этилган натижалар ва кўрсаткичлар бугун майдонга чиққан ёшларнинг халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида ҳам юқори марраларни забт этишга қодирлигини кўрсатди.

«Баркамол авлод – 2017» республика спорт ўйинларида вилоятимиз вакиллари ҳам эътиборга молик ютуқларга эришди. Хусусан, вилоятимиз ҳисобига дастлабки олтин медални тақдим этган оғир атлетикачи Адҳамжон Эр-

Бошланғичи Т-бетда.



гашев ўз тенгқурлари ўртасида дунёнинг энг кучли спортчиларидан бири эканини яна бир қарра исботлади.

Шунингдек, «Баркамол авлод – 2017»нинг бокс, дзюдо, енгил атлетика, стол тенниси мусобақаларида қатнашган спортчи-

ларимизнинг имконияти ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

– Дзюдо бўйича 81 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда зафар кучиб, жамоамиз ҳисобига олтин медал келтирган Навқирон хурсандман, – дейди «Баркамол авлод – 2017» ғолиби Намоз Баратов. – Мен таҳсил олаётган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи кўплаб истеъдодли спортчиларни тарбиялаган. Келажакда мен ҳам жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан.

Жиззахдаги ўйинларда Тошкент вилояти жамоа-

си вакиллари – оғир атлетикачи Адҳамжон Эргашев, дзюдочи Намоз Баратов, енгил атлетикачилар Александр Юркевская, Виктория Дирдина, боксчилар Зоиржон Жуманазаров ва Темурбек Сайдуллаев шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Дўстлик, бирдамлик, ҳалоллик ва адолат руҳида ўтган «Баркамол авлод – 2017» ўйинлари муваффақиятли яқунланди ва келаси мусобақалар мезбонлиги Қашқадарё вилоятига топширилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ТАРИХНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Кейинги йилларда ўқисанг кўнглинг ёришадиган, узоқ вақтдан бўён соғинган туйғуларинг уйғотиб юборадиган, тафаккурингга ёрқин фикрлар билан тўлдирадиган, руҳиятигга қувват берадиган китоблар нашр этилаёпти. Эътиборлиси, бу янги асарларда ижодкорлар турғунлик йилларидаги адабий қолиплардан чиқиб, ҳаётни борлигига тасвирлашаётганидир. Уларда кўнгли кечинмалари борича ёзилаётгани ўқувчини мутаассир этиб, китобхон дунёқарашини кенгайтиради.

Китоб жавонингизга

Замонавий адабиётимизнинг катта ютуқларидан бири сифатида тарихимизни ёритишда ҳолислик тамоиллари асос қилиб олинганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Яқин йилларда ёзилган шундай тарихий асарлар қаторида Саъдийхон Мавлавихон ўғлининг икки китобдан иборат «Таназул» романини келтириш мумкин. У ғоят мароқ билан

ўқилиб, китобхонни ўзига боғлаб қўяди.

Туркистон заминининг чор мустамлакачилари томонидан забт этилиши тафсилотлари қаламга олинган мазкур асар тарихга янгича нигоҳ билан қарашга ундайди. Ўша давр раҳнамоларининг жоғиавий тақдири, юрт ҳимояси йўлидаги беса-мар жанг-жадаллари, кишилар руҳиятидаги кечинмалар маҳорат билан тасвирланган.

Хусусан, «Ўткан кунлар» каби адабиётимиз дурдонасига айланган асарларда ҳам тилга олинган, Туркистон элининг шўрини қуритган

ўзаро низолар «Таназул»да батафсил баён этилган ва айни шу ҳолат юртини инқирозга, алаоқибат истибдодга етаклаган бош омил сифатида кўрсатилган. Шунингдек, маърифатдан узилиб, жаҳолатга ўралашиб, замонавий илм-фан шиддатидан ортда қолиш ҳар қандай миллатни тобеликка маҳкум қилишини муаллиф ўқинч билан таъкидлайди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Таназул»нинг учинчи китоби ҳам яқунланган бўлиб, яқин кунларда китобхонлар қўлига етиб боради.

Шоҳиста АНВАРОВА.

Нега шундай деймиз?

«Бақбақа тўрам»

«Бақбақа тўрам» иборасида танқид, киноя, истеъзо оҳанглари бўлиб, ўзгалар ҳисобидан кун кўриб, ҳузур-ҳаловатда юрган одам тилга олинади. Одатда, одамнинг бирдан кўзга ташланадиган ташқи аломатлари бўлади. Бировнинг ўзидан олдин хонага қорни қиради, бошқа киши юзидаги холи, доғи билан ажралиб туради. Томоқдан ияккача бўлган «масофа»да жойлашган «бақбақа» ҳам баъзи кишиларнинг «безаги»дир. Бу «мулк» эгасининг анчайин лоқайд, ҳаётдан мамнун эканлигидан далolat беради. Шунинг учун ҳам халқ «бақбақа» ёнига «тўрам»ни қўшиб, бир атама яратаркан, кўз ўнгимизда маълум тоифа кишилар тимсолини яққол гавдалантиради.

Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.

РАМАЗОН ҲИҚМАТИ

Яхши одамлар маҳалласи

Адҳамжон ишдан қайтаётганида. Кўп қаватли уйлари эшигига ёпиштирилган эълон диққатини тортди: «Азизлар, кундуз 10:20 ларда шу ерда юз минг сўм пулим тушиб қолибди. Яқка-ёлғизман, фақат нафақа билан кун кўраман. Ким топса, тўртинчи қават, йигирма тўртинчи уйдаги Меҳри холага учрашсин...»

Ахир, бу уларнинг тепасидаги уйда турадиган аёл-ку. Адҳамжоннинг хотини ора-сира унинг ҳолидан хабар олиб туради, овқат, нон-чой, дегандай. Бошқа кўни-қўшнилари ҳам аёлга ёлғизлигини билдиришмайди.

«Кўчада ётган бир даста пулни бирорта ўткинчи олиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Кел, шу улуг айём кунларида мендан ҳада бўлсин. Пулингизни топиб олдим, деб ўша юз минг сўмни эҳсон қила қолай», деб ўйлади Адҳамжон. Тўртинчи қаватга кўтарилиб, эшик кўнғироғини босди. Бир оз ўтиб, ичкаридан олтимиш беш ёшлардаги истараси иссиқ онахон чиқиб келди. Йигитнинг қўлидаги пулни кўриб, кўзларига ёш олди. Сўнг қўлини очиб, узоқ дуо қилди. Адҳамжоннинг касб-корига барака тилади, тутгани олтин бўлишини, Аллоҳ унга ғойибдан етказишини сўради. Аммо пулни олмади. Уринишлар бесамар кетди. Аёл қатъий рад этди. Сўнг ўша эълонни олиб ташлаш учун пастга тушиб кетди.

Маълум бўлишича, Адҳамжон пулни «топиб олган»ларнинг еттинчиси экан...

Ориф ТОЛИБ.

Реклама ўрнида

«Respect Ideal» МСН

жамоаси мамлакатимиздаги

барча кичкинтойлар ва

уларнинг ота-оналарини

1 июнь – Халқаро
болаларни ҳимоя
қилиш кuni

билан муборакбод этади.

Азизлар, хонадонларимизда ҳамиша

болаларнинг шўх-шодон кулгуси

янграб турсин! Болажон юртимиз

тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Болалардек беғуборлик сизларни

ҳеч қачон тарк этмасин.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Маънавий:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@uamail.uz

Телефонлар:

Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусахҳиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ